

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент шаҳри

2026 йил 22 январдаги таҳрири

Мазкур ҳужжат «Realsoft» МЧЖ (кейинги ўринларда — «Жамият») томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ йўлланган расмий таклиф (Оммавий оферта) ҳисобланади.

Ушбу Оферта Жамиятнинг интеллектуал мулки бўлган «Travel-invest.com» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Тизим») рўйхатдан ўтиш ва ундан хизмат сифатидаги дастурий таъминот (SaaS) модели асосида фойдаланиш истагини билдирган, Тизим орқали туристик имтиёзлар ва чегирмалардан шахсий мақсадларда фойдаланувчи жисмоний шахслар — Сайёҳлар билан хизмат кўрсатиш шартномасини тузишга бўлган хоҳиш-иродасини ифодалайди.

### 1. Атамалар ва таърифлар

**1.1.** Мазкур Оферта доирасида қўлланиладиган атамалар ва таърифлар қуйидаги маънони англатади:

– **Тизим** — «Realsoft» МЧЖнинг интеллектуал мулки ҳисобланган, [www.travel-invest.com](http://www.travel-invest.com) манзилида жойлашган ҳамда Интернет тармоғи орқали дастурий таъминотдан масофавий фойдаланиш (SaaS) модели асосида ишлайдиган «Travel Invest» ахборот тизими. Мазкур дастурий маҳсулот Сайёҳларга саёҳат давомида Рақамли чегирма картаси орқали имтиёزلардан фойдаланиш, амалга оширилган харидлар учун имкониятларлар тўплаш ҳамда тўпланган имкониятларлар (имкониятлар) ёрдамида совринли ўйинларда иштирок этиш ва қимматбаҳо мукофотларни ютиб олиш имкониятини тақдим этади.

– **Жамият** — «Realsoft» МЧЖ бўлиб, у Тизимнинг мутлақ ҳуқуқ эгаси ва оператори ҳисобланади. Жамият Тизимнинг техник ишлашини таъминлайди, мазкур Офертани бошқаради ва унда белгиланган шартлар асосида хизматлар кўрсатувчи асосий томон.

– **Сайёҳ** — Тизим орқали туристик имтиёзлар, чегирмалар ва бошқа хизматлардан шахсий (истеъмол) мақсадларида фойдаланиш истагини билдирган, муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

– **Рақамли чегирма картаси** — Тизим доирасида амал қилувчи, Сайёҳга Ҳамкорлар томонидан тақдим этиладиган эксклюзив имтиёзлар, махсус тарифлар ва чегирмалар пакетидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Карта. Ушбу карта Жамият томонидан тизимда белгиланган ҳақ эвазига тақдим этиладиган ва маълум бир муддат давомида Тизимнинг функционал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий рақамли идентификатор ҳисобланади. Карта сотиб олинган вақтдан бошлаб фаоллашади ва унинг ҳуқуқий мақоми мазкур Оферта шартлари асосида тартибга солинади.

– **Ҳамкорлар** — Жамият билан алоҳида шартномавий муносабатларга эга бўлган, Тизимнинг ягона ахборот майдонига интеграция қилинган ва Сайёҳларга ўз товарлари, ишлари ёки хизматлари учун эксклюзив имтиёзлар ҳамда чегирмалар тақдим этувчи тадбиркорлик субъектлари (меҳмонхоналар, ресторанлар, дам олиш масканлари, транспорт, тиббиёт, маданият

ва кўнгилочар марказлар ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш объектлари). Ҳамкорлар Сайёҳ томонидан тақдим этилган Рақамли чегирма картасининг ҳақиқийлигини Тизим орқали текшириш ва ваъда қилинган имтиёзни тақдим этиш мажбуриятини олган мустақил тарафлар ҳисобланади.

– **Амбассадор** — Тизимда рўйхатдан ўтган, Жамиятнинг маркетинг стратегиясини қўллаб-қувватловчи ва ўз шахсий идентификатори (реферал ҳаволаси) орқали Тизимга янги фойдаланувчиларни (Сайёҳларни) жалб қилиш ҳаракатларини амалга оширувчи шахс. Амбассадор ўзи жалб қилган шахслар томонидан сотиб олинган Рақамли чегирма карталари учун мазкур Офертада белгиланган миқдорда ва тартибда реферал мукофотларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

– **Шахсий кабинет** — Тизимнинг Сайёҳ учун ажратилган, махсус идентификация маълумотлари (логин ва пароль ёки бошқа верификация усуллари) орқали кириладиган индивидуал рақамли интерфейси. Шахсий кабинет Сайёҳга ўз профилини бошқариш, Рақамли чегирма карталарини фаоллаштириш ва уларнинг амал қилиш муддатини кузатиш, Ҳамкорлик (Амбассадорлик) дастури доирасидаги мукофотларни назорат қилиш имконини берувчи ёпиқ ва ҳимояланган ахборот муҳити ҳисобланади. Шахсий кабинетда акс этган барча маълумотлар Шартнома шартларига мувофиқ махфий ҳисобланади ва Сайёҳнинг Тизим билан ўзаро муносабатларини қайд этувчи расмий электрон журнал вазифасини ўтайди.

– **Геймификация** — Тизим фойдаланувчиларининг (Сайёҳларнинг) фаоллигини ошириш мақсадида қўлланиладиган, туристик хизматлардан фойдаланиш жараёнини совринли ўйинлар механизми билан бирлаштирувчи дастурий усул.

– **Акцепт** — Сайёҳ томонидан мазкур Оферта шартларини ҳеч қандай истисноларсиз тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ). Акцепт Сайёҳ томонидан Тизимда рўйхатдан ўтиш, «Оферта шартларига розиман» белгисини қўйиш ёки Рақамли чегирма картаси учун тўловни амалга ошириш каби конклюдент ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

## 2. Асосий қоидалар

**2.1.** Мазкур Шартнома ўз табиатига кўра аралаш шартнома ҳисобланади ва ўз ичига қуйидаги элементларни қамраб олади:

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда — ФК) 369-моддасига мувофиқ, шартлари барча Сайёҳлар учун бир хил бўлган Оммавий оферта элементлари;

– ФКнинг 360-моддасига мувофиқ, Сайёҳ томонидан ҳеч қандай истиснолар ва/ёки қўшимча шартларсиз тўлиқ қабул қилинадиган Қўшилиш шартномаси элементлари.

**2.2.** Сайёҳ томонидан Тизимда рўйхатдан ўтилиши, Рақамли чегирма картасига буюртма берилиши ва тегишли тўловнинг амалга оширилиши Шартномани тузишга бўлган тўлиқ ва сўзсиз розилик (Акцепт) ҳисобланади. Мазкур ҳаракатлар ФКнинг 370-моддасига мувофиқ, икки томонлама ёзма шартнома тузилганига тенглаштирилади.

**2.3.** Шартномани акцепт қилиш орқали Сайёҳ Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ўз шахсга доир маълумотларини Жамият томонидан автоматизация воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки бундай воситаларсиз йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, қўшимча қилиш, фойдаланиш, бериш (шу жумладан Ҳамкорларга), шахсизлантириш ва йўқ қилишга ўз ихтиёри билан, тўлиқ ва муддатсиз розилик беради.

2.4. Мазкур розилик Шартнома доирасида хизматлар кўрсатиш, Сайёҳни идентификация қилиш, Тизимнинг функционал имкониятларини таъминлаш, маркетинг материалларини юбориш ва қайта алоқани ўрнатиш мақсадларида берилади.

2.5. Мазкур Оферта Рақамли чегирма картасини сотиб олиш истагини билдирган ва уни қабул қилиш учун техник имкониятга эга бўлган барча жисмоний шахсларга — Сайёҳларга қаратилган.

2.6. Жамият исталган вақтда Сайёҳни олдиндан хабардор қилмасдан мазкур Шартномага, шунингдек, Тизимдаги материаллар ва маълумотларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

2.7. Жамият Тизимдаги маълумотларнинг вақтинчалик ноаниқлиги ёки долзарб эмаслиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Сайёҳ Тизимдаги янгиланишларни мустақил равишда кузатиб бориш мажбуриятини олади.

2.8. Сайёҳ Шартномани акцепт қилиш орқали ўзининг муомалага лаёқатли эканлигини ва Жамият билан шартномавий муносабатларга киришиш учун барча қонуний ҳуқуқларга эга эканлигини тасдиқлайди.

### 3. Шартнома предмети

3.1. Мазкур Шартноманинг предмети Жамият томонидан Сайёҳга «Travel Invest» Тизимидан масофавий фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда Тизим функционали доирасида хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

3.2. Мазкур Шартнома доирасида Сайёҳга қўйидаги имкониятлар тақдим этилади:

— **Имтиёзлар базасига кириш:** Тизимга интеграция қилинган Ҳамкорлар рўйхати, уларнинг жойлашуви ва тақдим этадиган эксклюзив чегирмалари ҳақидаги маълумотларни олиш;

— **Рақамли идентификация:** Рақамли чегирма картасини фаоллаштириш орқали Ҳамкорлардан белгиланган миқдордаги имтиёзларни талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш;

— **Амбассадорлик функцияси:** Тизимнинг рефераллик имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги фойдаланувчиларни таклиф қилиш ва белгиланган мукофотларни ҳисоблаш тизимидан фойдаланиш.

— **Геймификация** — Тизим фойдаланувчиларининг (Сайёҳларнинг) фаоллигини ошириш мақсадида қўлланиладиган, туристик хизматлардан фойдаланиш жараёнини совринли ўйинлар механизми билан бирлаштирувчи дастурий усул.

3.3. Жамият Сайёҳга Тизимдан фойдаланиш учун мутлақ бўлмаган, бошқа шахсга ўтказилмайдиган ва Шартноманинг амал қилиш муддати билан чекланган оддий (номутлақ) лицензия беради.

3.4. Жамият бевосита туристик хизматлар (меҳмонхона, транспорт ва ҳ.к.) кўрсатувчи тараф ҳисобланмайди. Жамиятнинг мажбурияти Сайёҳ ва Ҳамкор ўртасидаги имтиёзли алоқани таъминловчи **рақамли муҳитни (тизимни)** тақдим этиш билан чекланади.

3.5. Тизим хизматларидан фойдаланиш ва Рақамли чегирма картасини фаоллаштириш пуллик асосда ёки Жамият томонидан белгиланган махсус акциялар доирасида амалга оширилиши мумкин.

### 4. Хизматлар қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

**4.1.** Тизим функционалидан фойдаланиш ва Рақамли чегирма картасини фаоллаштириш учун тўлов миқдори Жамият томонидан белгиланади. Ушбу қиймат Сайёҳга Тизимнинг тегишли бўлимида Рақамли чегирма картасининг тури ва амал қилиш муддатига қараб кўрсатилади.

**4.2.** Сайёҳ томонидан амалга оширилган тўлов — бу Тизимдаги маълумотлар базасига кириш, Ҳамкорлар имтиёзларидан фойдаланиш ва геймификация (совринли ўйинлар) механизмида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи тўлови ҳисобланади.

**4.3.** Тўлов усуллари ва тасдиқлаш:

– Тўловлар Тизимга интеграция қилинган тўлов ташкилотлари ёки банк карталари орқали нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

– Тўлов муваффақиятли ўтганлиги ҳақидаги маълумот Тизим томонидан автоматик равишда қайд этилади ва Сайёҳнинг Шахсий кабинетига акс этади.

**4.4. Хизмат кўрсатилган деб ҳисобланиш вақти:**

– Жамият томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар Тизим томонидан тўлов қабул қилиниб, Сайёҳга Рақамли чегирма картасидан фойдаланиш учун техник имконият яратилган (карта фаоллашган) вақтдан бошлаб тўлиқ ва лозим даражада бажарилган деб ҳисобланади.

– Агар тўлов амалга оширилган, бироқ техник носозлик туфайли Карта автоматик равишда фаоллашмаган бўлса, Жамият ушбу техник хатоликни бартараф этган ва Сайёҳнинг Шахсий кабинетига Картани фаоллаштирган сониядан бошлаб хизмат кўрсатилган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Сайёҳ Жамиятдан техник носозликни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бироқ бу ҳолат хизмат кўрсатилмаганлик деб талқин қилинмайди ва тўловни қайтариш учун асос бўлмайди.

**4.5.** Рақамли чегирма картаси фаоллаштирилгандан сўнг, Сайёҳнинг кейинчалик Ҳамкорлар шохобчаларига бормаганлиги, тизим имкониятларидан фойдаланмаганлиги ёки Ҳамкорлар тақдим этган чегирмаларни ишлатмаганлиги Жамият томонидан хизмат кўрсатилмаган деб ҳисобланишига асос бўлмайди.

**4.6.** Мазкур Шартнома бўйича хизматнинг мақсади Сайёҳга Тизимдаги махсус маълумотлар базасига кириш ва дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш бўлганлиги сабабли, Рақамли чегирма картаси фаоллаштирилган (Тизим имкониятлари очилган) сониядан бошлаб тўланган маблағлар қайтарилмайди.

## **5. Тизимдан (онлайн-сервисдан) фойдаланиш тартиби**

**5.1.** Тизимдан фойдаланиш учун Сайёҳ Шахсий кабинетда рўйхатдан ўтиши ва идентификациядан ўтиши шарт. Рўйхатдан ўтиш пайтида Сайёҳ ўзи ҳақида ҳақиқий ва долзарб маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

**5.2. Индивидуал фойдаланиш ҳуқуқи:**

– Сайёҳнинг Шахсий кабинети ва Рақамли чегирма картаси шахсий ҳисобланади. Уларни учинчи шахсларга фойдаланиш учун бериш, сотиш ёки бегоналаштириш тақиқланади.

– Шахсий кабинетга кириш учун зарур бўлган логин ва паролнинг махфийлигини таъминлаш учун Сайёҳ шахсан жавобгардир.

**5.3. Имтиёзлардан фойдаланиш механизми:**

– Сайёҳ Ҳамкорлар хизматидан фойдаланишда Рақамли чегирма картасини (QR-код ёки индивидуал рақам кўринишида) тақдим этиши шарт.

– Чегирма ёки имтиёз фақатгина Рақамли чегирма картаси Тизимда фаол (амал қилиш муддати тугамаган) бўлган тақдирда тақдим этилади.

#### **5.4. Тизимдан фойдаланишда Сайёҳга қуйидагилар тақиқланади:**

– Тизимнинг техник ҳимоя воситаларини четлаб ўтишга ёки бузишга уриниш;  
– Тизимдан автоматик воситалар (ботлар, скриптлар) ёрдамида маълумотларни йиғиш;  
– Тизим бренди ва интеллектуал мулкидан Жамиятнинг ёзма розилигисиз тижорат мақсадларида фойдаланиш;

– Тизимнинг дастурий кодини декомпиляция қилиш (қисмларга ажратиш), қайта ишлаш ёки ундан фойдаланган ҳолда ўхшаш дастурий маҳсулот яратиш;

– Тизимга ахлоқсиз, ҳақоратли ёки қонунчиликка зид маълумотларни жойлаштириш.

#### **5.5. Геймификация ва совринли ўйинлар шартлари:**

– Совринли ўйинларда иштирок этиш учун асос бўладиган транзакциялар (чегирмадан фойдаланиш фактлари) фақат Ҳамкор томонидан Тизим орқали тасдиқланган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади ва Сайёҳга Имкониятлар тақдим этади.

– Фирибгарлик йўли билан ёки Тизимдаги техник заифликлардан фойдаланган ҳолда сохта транзакциялар асосида қўлга киритилган Имкониятлар бекор қилинади.

**5.6.** Жамият Тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга ҳаракат қилади, бироқ профилактика ишлари, техник носозликлар ёки алоқа операторларининг айби билан юзага келадиган вақтинчалик узилишлар учун жавобгар эмас.

**5.7.** Жамият Сайёҳ томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилган тақдирда, унинг Шахсий кабинетига киришни ва Рақамли чегирма картасини олдиндан хабардор қилмасдан бир томонлама блок қилиш (тўхтатиш) ҳуқуқига эга.

### **6. Тизимда рўйхатдан ўтиш ва махфийлик**

**6.1.** Сайёҳ рўйхатдан ўтиш орқали ўзи тақдим этган алоқа воситаларига (SMS, Push-билдиришнома, электрон почта) Жамият ва Ҳамкорлар томонидан хизмат сифатини ошириш, янги имтиёзлар ва реклама характеридаги хабарлар юборилишига розилик беради. Сайёҳ Шахсий кабинет орқали реклама хабарларини олишни созлаши мумкин.

**6.2.** Жамият Тизим ишини оптималлаштириш ва фойдаланувчи имтиёзларини таҳлил қилиш учун «cookies» технологиясидан фойдаланади. «Cookies» файллар махфий маълумотларни ўз ичига олмайди ва учинчи шахсларга берилмайди.

**6.3.** Жамият Сайёҳнинг IP-манзили, қурилма тури ва браузер ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга. Ушбу маълумотлар фақат Тизим хавфсизлигини таъминлаш ва статистик мақсадларда ишлатилади.

**6.4.** Хизматларни лозим даражада тақдим этиш ва транзакцияларни тасдиқлаш мақсадида, Сайёҳнинг маълумотлари Жамият фойдаланадиган техник платформалар ва тўлов тизимлари орқали қайта ишланиши мумкин.

**6.5.** Сайёҳ томонидан Шахсий кабинет орқали содир этилган барча ҳаракатлар (маълумотларни ўзгартириш, картани фаоллаштириш ва ҳ.к.) унинг шахсий розилиги асосида бажарилган деб ҳисобланади.

## **7. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **7.1. Жамиятнинг ҳуқуқлари:**

**7.1.1.** Сайёҳ томонидан мазкур Оферта шартлари бузилганда ёки Тизимдан фирибгарлик мақсадларида фойдаланилганда, унинг Шахсий кабинетини ва Рақамли чегирма картасини олдиндан хабардор қилмасдан бир томонлама блок қилиш.

**7.1.2.** Тизим интерфейсини, функционал имкониятларини, Ҳамкорлар рўйхатини ҳамда Рақамли чегирма карталарининг қийматини исталган вақтда бир томонлама ўзгартириш.

**7.1.3.** Тизимнинг техник барқарорлигини таъминлаш мақсадида профилактика ва таъмирлаш ишларини ўтказиш учун сервис фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш.

**7.1.4.** Сайёҳ томонидан қўлга киритилган Имкониятларни, агар улар Тизимдаги техник хатолик ёки Сайёҳнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида шаклланган бўлса, бекор қилиш.

### **7.2. Жамиятнинг мажбуриятлари:**

**7.2.1.** Сайёҳ томонидан тўлов амалга оширилиб, Рақамли чегирма картаси фаоллаштирилгандан сўнг, унга Тизимнинг тегишли бўлимлари ва Ҳамкорлар базасидан фойдаланиш учун техник имконият яратиш.

**7.2.2.** Сайёҳнинг Шахсий кабинетидagi маълумотлар ва унинг шахсга доир маълумотлари махфийлигини ҳамда хавфсизлигини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ таъминлаш.

**7.2.3.** Сайёҳни Тизимдаги муҳим ўзгаришлар, янги Ҳамкорлар ёки хизмат кўрсатиш шартларидаги янгиланишлар ҳақида Тизим интерфейси ёки алоқа воситалари орқали хабардор қилиб бориш.

### **7.3. Сайёҳнинг ҳуқуқлари:**

**7.3.1.** Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Тизим функционалидан ва Ҳамкорлар тақдим этадиган эксклюзив имтиёзлардан (чегирмалардан) фойдаланиш.

**7.3.2.** Ҳамкорлар хизматидан фойдаланиш ва транзакцияларни тасдиқлаш асосида Тизим томонидан ташкил этиладиган совринли ўйинларда иштирок этиш.

**7.3.3.** Тизим ишлашида техник носозликлар юзага келганда ёки хизматлар бўйича саволлар туғилганда, Жамиятнинг қўллаб-қувватлаш хизматига мурожаат қилиш.

### **7.4. Сайёҳнинг мажбуриятлари:**

**7.4.1.** Рақамли чегирма картаси учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, унинг Шахсий кабинетда фаоллаштирилганлигини ва электрон почтага тасдиқнома келганлигини мустақил текшириш. Карта фаоллашмаган тақдирда зудлик билан Жамиятга мурожаат қилиш.

**7.4.2.** Ўзига тушунарли бўлмаган хизматлар ёки Ҳамкорларнинг чегирма бериш шартлари бўйича маълумотларни хизматдан фойдаланишдан камида 3 (уч) иш куни олдин Жамиятдан ёки Ҳамкордан сўраб аниқлаштириш.

**7.4.3.** Ҳамкорларнинг хизмат кўрсатиш, брон қилиш ва бекор қилиш бўйича ички қоидаларига риоя қилиш. Сайёҳ ушбу қоидалар билан танишмаганлиги уни масъулиятдан озод этмайди.

**7.4.4.** Рақамли чегирма картаси қийматини ва агар белгиланган бўлса, Жамиятнинг сервис йиғимларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш.

**7.4.5.** Шахсий кабинетга кириш маълумотлари (логин, пароль) ва Рақамли чегирма картаси маълумотларининг сақланиши учун шахсан жавобгар бўлиш. Уларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади. Жамият ҳеч қачон Сайёҳдан унинг паролини телефон ёки электрон почта орқали

сўрамайди. Паролни учинчи шахсларга бериш оқибатида юзага келган зарарлар Жамият томонидан қопланмайди.

**7.4.6.** Шахсий кабинетга рухсатсиз кириш ҳолатлари ҳақида Жамиятни зудлик билан хабардор қилиш. Ҳар бир иш сессияси якунида тизимдан хавфсиз чиқиш (**Log out**) амалларини мустақил бажариш. Жамият бу амал бажарилмагани туфайли юзага келган маълумотлар йўқолиши учун жавобгар эмас.

**7.4.7.** Саёҳат учун зарур бўлган барча шахсий ва рухсат берувчи ҳужжатларнинг (паспорт, виза, тиббий маълумотномалар ва ҳ.к.) ҳақиқийлиги ва мавжудлигини мустақил таъминлаш.

**7.5.** Томонлар мазкур Шартномада назарда тутилмаган, бироқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўладилар ва тегишли мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар.

## **8. Амбассадорлик дастури ва мукофотлаш тартиби**

**8.1.** Жамият Тизимни ривожлантириш ва янги фойдаланувчиларни жалб қилиш мақсадида Амбассадорлик дастурини амалга оширади. Сайёҳ Тизимда рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик равишда Амбассадор мақомини ва шахсий реферал ҳаволасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

**8.2.** Жамият Амбассадорга у томонидан жалб қилинган янги фойдаланувчилар (кейинги ўринларда — Рефераллар) томонидан сотиб олинган Рақамли чегирма карталарининг қийматидан қуйидаги миқдорда мукофот (комиссия) ҳисоблайди:

- Амбассадорнинг шахсий реферал ҳаволаси орқали рўйхатдан ўтган ва Рақамли чегирма картасини сотиб олган ҳар бир мижоз учун карта қийматининг **5 (беш) фоизи** миқдорида;

**8.3.** Амбассадор жалб қилган мижоз (реферал) ўз навбатида янги мижозни жалб қилса ва у Карта сотиб олса, биринчи даражали Амбассадорга ушбу харид қийматининг **1 (бир) фоизи** миқдорида.

**8.4.** Мукофотларни ҳисоблаш ва ечиб олиш:

- Мукофотлар Реферал томонидан тўлов тўлиқ амалга оширилган ва Карта фаоллаштирилган сониядан бошлаб Амбассадорнинг Тизимдаги виртуал балансида акс этади.

- Тўпланган маблағларни ечиб олиш ёки улардан Тизим ичида фойдаланиш тартиби, минимал ечиб олиш суммаси ва зарур ҳужжатлар Тизимнинг Амбассадорлар учун мўлжалланган махсус бўлимида белгиланади.

**8.5.** Амбассадорларга мукофот олиш мақсадида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш қатъиян тақиқланади:

- Ўз реферал ҳаволаси орқали сохта (фейк) аккаунтларни рўйхатдан ўтказиш ёки ўзига-ўзи реферал бўлиш;

- Тизим номидан спам-хабарлар юбориш ёки фойдаланувчиларни чалғитувчи ёлғон маълумотларни тарқатиш;

- Тизимнинг қидирув тизимларидаги (SEO/Контекст реклама) расмий бренд сўзларидан фойдаланган ҳолда ўз ҳаволасини тарғиб қилиш.

**8.6.** Фирибгарлик ёки манипуляция ҳолатлари аниқланган тақдирда, Жамият Амбассадорнинг барча тўпланган мукофотларини бекор қилиш ва унинг Амбассадорлик ҳуқуқини муддатсиз чеклаш ҳуқуқига эга.

**8.7.** Амбассадор олган даромадлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажаради (агар Жамият солиқ агенти сифатида иштирок этмаса).

## **9. Жавобгарликни чеклаш (disclaimer)**

**9.1.** Жамият онлайн-сервис тақдим этувчи оператор ҳисобланганлиги сабабли, қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

**9.1.1.** Сайёҳ томонидан Шахсий кабинетда рўйхатдан ўтиш ёки Рақамли чегирма картасини сотиб олиш вақтида киритилган маълумотларнинг (Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари ва ҳ.к.) тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун.

**9.1.2.** Сайёҳда саёҳат қилиш учун зарур бўлган визалар (шу жумладан транзит визалар), амалдаги хорижга чиқиш паспорти, тиббий маълумотномалар, суғурта полислари ва бошқа рухсатномаларнинг мавжудлиги ёки амал қилиш муддати учун.

**9.1.3.** Сайёҳнинг транспорт воситаларига (самолёт, поезд ва ҳ.к.) кечикиши, трансфер вақтларини нотўғри танлаши ёки саёҳат сегментлари ўртасидаги боғланиш вақтини ҳисобга олмаганлиги учун.

**9.1.4.** Суд ёки бошқа ваколатли органлар қарори билан Сайёҳнинг мамлакатдан чиқиши ёки маълум бир ҳудудга кириши тақиқланганлиги сабабли хизматдан фойдаланиш имконияти йўқлиги учун.

**9.1.5.** Ҳамкорлар (меҳмонхона, ресторан ва ҳ.к.) томонидан ўз хизматларини лозим даражада кўрсатмаслиги, хизмат сифатининг пастлиги ёки Ҳамкорнинг айби билан юзага келган ҳар қандай зарарлар учун. Жамият фақат тизим орқали чегирма олиш имкониятини беради. Ҳамкорлар мустақил тадбиркорлик субъектлари бўлиб, Жамият уларнинг хизмат кўрсатиш сифати ёки чегирмани тақдим этмаслик қарори учун мулкӣ жавобгар эмас. Сайёҳ бундай ҳолатларда бевосита Ҳамкорга даъво қилиш ҳуқуқига эга

**9.1.6.** Тўлов тизимларининг, банкларнинг ёки мобил операторларнинг техник носозликлари, ўзилишлар ёки хатоликлари туфайли тўлов амалга ошмай қолганлиги ёки кечикканлиги учун.

**9.1.7.** Ҳамкорлар томонидан ўз товар ва хизматлари нархларининг ўзгартирилиши ёки аввал эълон қилинган имтиёзларнинг бекор қилиниши учун.

**9.1.8.** Сайёҳнинг шахсий буюмлари, юкларининг йўқолиши, шикастланиши ёки Ҳамкорлар ҳудудида содир бўлган мулкӣ низолар учун.

**9.1.9.** Ҳамкор томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ёки Ҳамкор тижорат фаолиятини тўхтатганлиги сабабли чегирмадан фойдаланиш имкони бўлмаганлиги учун.

**9.1.10.** Совринли ўйинларда ютуқ чиқмаганлиги ёки техник сабабларга кўра транзакция кеч тасдиқланганлиги натижасида ўйинда иштирок этиш имконияти сурилганлиги учун.

## **10. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш**

**10.1.** Тизим (Travel-invest.com), унинг дастурий коди, график интерфейси, дизайни, логотиплари, маълумотлар базаси, шунингдек, Тизим доирасида яратилган барча материаллар ва алгоритмлар «Realsoft» МЧЖнинг мутлақ интеллектуал мулки ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳамда халқаро конвенциялар билан ҳимоя қилинади.



**10.2.** Жамият Сайёҳга Тизимдан фойдаланиш учун чекланган, мутлақ бўлмаган ва бошқа шахсга ўтказилмайдиган оддий (номутлақ) лицензия беради. Ушбу лицензия фақат Тизим функционалидан шахсий (нотижорат) мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқини беради.

**10.3.** Тизимдан фойдаланиш жараёнида Сайёҳга қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш қатъиян тақиқланади:

- Тизимни ёки унинг қисмларини декомпиляция қилиш (дастурий кодни ўрганиш/очиш), реверс-инжиниринг (тескари муҳандислик) қилиш ёки қисмларга ажратиш;

- Тизимнинг функционал имкониятларини ёки дизайн ечимларини нусхалаш ва улар асосида ўз дастурий маҳсулотларини яратиш;

- Тизимдаги Жамиятга тегишли муаллифлик ҳуқуқи белгиларини, савдо белгиларини (логотипларини) ёки махфийлик ҳақидаги билдиришномаларни ўчириш, ўзгартириш ёки яшириш;

- Жамиятнинг ёзма розилигисиз Тизим брендидан (Travel Invest) ва унинг материалларидан тижорат ёки реклама мақсадларида фойдаланиш.

**10.4.** Сайёҳ томонидан мазкур бўлим талабларининг бўзилиши Шартномани зудлик билан ва бир томонлама бекор қилишга ҳамда Жамиятга етказилган барча зарарларни (шу жумладан, бой берилган фойдани) қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ қоплашга асос бўлади.

**10.5.** Мазкур Шартноманинг бекор қилиниши ёки амал қилиш муддатининг тугаши Жамиятнинг интеллектуал мулкига бўлган мутлақ ҳуқуқларини чекламайди ва ушбу ҳуқуқлар чексиз муддатга сақланиб қолади.

## **11. Форс-мажор ҳолатлар.**

**11.1.** Томонлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажара олмаганликлари учун, агар ушбу ҳолат енгиб бўлмас куч (форс-мажор) натижасида юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод қилинадилар.

**11.2.** Енгиб бўлмас куч ҳолатлари деганда Томонлар олдиндан кўра билолмайдиган ва бартараф эта олмайдиган, Шартнома мажбуриятларини бажаришга бевосита тўсқинлик қилувчи фавқулодда вазиятлар тушунилади. Уларга қуйидагилар (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) киради:

- Табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин, жала ва бошқа метеорологик ҳодисалар);

- Эпидемиялар ва пандемиялар, карантин чекловлари;

- Уруш ҳаракатлари, ҳарбий босқинлар, террорчилик ҳужумлари, оммавий тартибсизликлар, иш ташлашлар;

- Давлат органларининг Шартнома ижросига таъсир этувчи ҳужжатлари, эмбарго, мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш ёки национализация;

- Глобал интернет тармоғидаги узилишлар, хостинг-провайдерлар ёки дата-марказлар фаолиятидаги техник сўнишлар, магистрал алоқа каналларининг шикастланиши.

**11.3.** Шартнома мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ва уларнинг ижрога таъсири ҳақида бошқа Томонни зудлик билан (имкон қадар тезроқ) Тизим интерфейси ёки алоқа воситалари орқали хабардор қилиши шарт.

**11.4.** Форс-мажор ҳолатлари амал қилаётган даврда Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар давом этган вақтга мутаносиб равишда сурилади. Агар форс-

мажор ҳолати 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ давом этса, Томонлар Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

## **12. Бошқа қоидалар**

**12.1.** Жамият мазкур Оферта шартларини исталган вақтда бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга. Янги таҳрир Тизимда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

**12.2.** Жамиятнинг умумий молиявий жавобгарлиги Сайёҳ томонидан Рақамли чегирма картасини фаоллаштириш (Тизимга кириш ҳуқуқи) учун тўланган сумма миқдори билан чекланади.

**12.3.** Жамият Сайёҳнинг билвосита зарарлари, бой берилган фойдаси ёки учинчи шахслар (Ҳамкорлар) айби билан юзага келган маънавий зарарлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**12.4.** Агар Шартноманинг бирор-бир банди ҳақиқий эмас деб топилса, бу Шартноманинг қолган бандларининг юридик кучига таъсир қилмайди.

## **13. Низоларни Ҳал Қилиш Тартиби**

**13.1.** Мазкур Шартномани ижро этиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш учун мажбурий талабнома билдириш тартиби белгиланади.

### **13.2. Талабнома билдириш тартиби:**

**13.2.1.** Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган Томон иккинчи Томонга нисбатан ёзма шаклда талабнома билдиради.

**13.2.2.** Талабномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- Талабнома билдирган Томоннинг ва талабнома билдирилаётган Томоннинг номи;
- Талабнома билдирилган сана ва унинг тартиб рақами;
- Талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;
- Арз қилувчининг аниқ талаблари;
- Талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби (агар мавжуд бўлса);
- Талабномага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

**13.3.** Талабнома ваколатли шахс томонидан имзоланиши шарт.

**13.4.** Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, шунингдек талабнома жўнатирилганлигини қайд этадиган ва қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

### **13.5. Талабномани кўриб чиқиш муддати:**

– Ўзига талабнома билдирилган Томон уни олган кундан бошлаб **15 (ўн беш) кунлик муддат** ичида унга ёзма жавоб қайтариши шарт.

– Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда, мажбуриятдор Томон ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказади ёки кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.

**13.6.** Агар талабнома билдириш тартибида келишувга эришилмаса ёки белгиланган 15 кунлик муддат ичида талабномага жавоб олинмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

**13.7.** Сайёҳнинг Ҳамкорлар (учинчи шахслар) томонидан кўрсатилган хизматлар сифати бўйича эътирозлари бевосита ушбу хизматни кўрсатган Ҳамкорга юқоридаги тартибда юборилади. Жамият ушбу низолар бўйича жавобгар тараф ҳисобланмайди.

#### **14. Шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш тартиби.**

**14.1.** Мазкур Шартнома Сайёҳ томонидан Оферта шартлари акцепт қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амал қилади.

##### **14.2. Хизмат кўрсатиш муддати:**

–Сайёҳга Тизимнинг пуллик функционалидан ва Рақамли чегирма картасидан фойдаланиш ҳуқуқи у сотиб олган обуна пакетида белгиланган муддат давомида (масалан, 3 ой, 6 ой, 1 йил ва ҳ.к.) берилади.

–Обуна муддати тугагандан сўнг, Сайёҳнинг имтиёзлардан фойдаланиш ва геймификация (совринли ўйинлар) жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи автоматик равишда тўхтатилади.

##### **14.3. Бир томонлама бекор қилиш:**

–Жамият Сайёҳ томонидан Шартнома шартлари бузилган тақдирда (масалан, тизимни бузиб киришга уриниш, фирибгарлик), Шартномани бир томонлама бекор қилиш ва Сайёҳнинг кириш ҳуқуқини муддатидан олдин тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бунда тўланган маблағлар қайтарилмайди.

–Сайёҳ исталган вақтда Тизимдан фойдаланишни тўхтатиш орқали Шартномани бекор қилиши мумкин. Бироқ, хизмат (Тизимга кириш ҳуқуқи) тақдим этилганлиги сабабли, фойдаланилмаган вақт учун тўлов қайтарилмайди.

**14.4.** Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши Томонларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

#### **15. «Realsoft» МЧЖ нинг реквизитлари:**

**Юридик шахс номи:** "REALSOFT" МЧЖ

**Юридик манзили:** Ташкент ш., Юнусабад тумани,

Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 38/1-уй.

**Хизмат кўрсатувчи банк:** "Asia Alliance Bank" АТБ Шайхонтохур филиали

**МФО:** 01095

**Ҳисоб рақами:** 20208000000510463001

**СТИР:** 303465075

**ОКЭД:** 62010

**E-mail:** [info@realsoft.uz](mailto:info@realsoft.uz)

*Сайёҳда мазкур Шартнома шартлари, Тизимнинг ишлаши ёки Рақамли чегирма картасидан фойдаланиш бўйича саволлар юзага келган тақдирда, у қуйидаги алоқа каналлари орқали Жамиятга мурожаат қилиши мумкин:*

–**Телефон рақамлари:** (71) 205-84-84, (88) 304-84-84

–**Электрон почта (E-mail):** [info@realsoft.uz](mailto:info@realsoft.uz)

–**Иш тартиби:** Душанба – Жума, соат 09:00 дан 18:00 гача (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари).

*Сайёҳ томонидан юқоридаги алоқа каналлари орқали юборилган мурожаатлар Жамиятнинг масъул ходимлари томонидан навбат асосида кўриб чиқилади.*